| **Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди** | **Манзил:** Иштихон шаҳар А.Темур кўчаси 6 уй,<br>**Тел:** 55 706-70-29 (ички рақам: 30823),<br>**Почта индекси:** 140700,<br>**e-mail:** f.ishtixon@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро суди** | **Манзил:** Тайлоқ тумани, Тайлоқ шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 8-уй,<br>**Тел:** 55 706-70-35 (ички рақам: 30825),<br>**Почта индекси:** 141500,<br>**e-mail:** f.tayloq@sud.uz |

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИ

| СУД НОМИ | МАНЗИЛ |
|---|---|
| **Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди** | **Манзил:** Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, О.Азимов кўчаси, 15 уй,<br>**Тел:** 55 152-05-71 (ички рақам: 25035)<br>**Почта индекси:** 130105,<br>**e-mail:** f.jizzah@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди** | **Манзил:** Жиззах шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, Қассоблик маҳалласи, рақамсиз уй,<br>**Тел:** 55 152-05-69 (ички рақам: 25272)<br>**Почта индекси:** 130104,<br>**e-mail:** f.jizzah.t@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро суди** | **Манзил:** Дўстлик тумани, А.Навоий МФЙ, Арнасой кўчаси 1 уй,<br>**Тел:** 55 152-05-81 (ички рақам: 25213),<br>**Почта индекси:** 131500,<br>**e-mail:** f.dustlik@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро суди** | **Манзил:** Зомин туман Ширин ҚФЙ, Небўса қишлоғи, рақамсиз уй,<br>**Тел:** 55 152-05-74 (ички рақам: 25413),<br>**Почта индекси:** 130800,<br>**e-mail:** f.zarbdor@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлараро суди** | **Манзил:** Ғаллаорол тумани, Сарбозор МФЙ, Шодлик кўчаси, 17-уй,<br>**Тел:** 55 152-05-99 (ички рақам: 25159),<br>**Почта индекси:** 131400,<br>**e-mail:** f.gallaorol@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Фориш туман суди** | **Манзил:** Фориш тумани, Оқтепа МФЙ, Тутак массиви, рақамсиз уй,<br>**Тел:** 55 152-05-73 (ички рақам: 25561),<br>**Почта индекси:** 131200,<br>**e-mail:** f.forish@sud.uz |



Экспертнинг хулосаси



- Суд экспертизаси бу суд эксперти томонидан иш муҳокамаси чоғида келиб чиққан, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни текшириш ва хулоса беришдан иборат процессуал жараёндир.
- Экспертиза судда ўтказилади ёки текширишнинг хусусияти тақозо этса ёхуд текшириладиган буюмни судга келтиришнинг имкони бўлмаса ёки келтириш қийин бўлса, суддан ташқарида амалга оширилади.
- Эксперт (экспертлар комиссияси) текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.
- Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган судга юборилади.

Мутахассис маслаҳати (тушунтириши)



мутахассис - бу далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган шахсдир (педагог, фотограф, курувчи, шифокор)

экспертдан фарқли ўлароқ, мутахассис ишнинг ҳақиқий ҳолатлари ҳақидаги янги билимларни олишга қаратилган тадқиқотларни ўтказа олмайди.

Мутахассис судга оғзаки ёки ёзма шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради.

## Аризани алоҳида иш юритиш тартибида кўриш

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ариза шахснинг ўз манфаатларига дахлдор ҳолатни суднинг ҳал қилув қарори билан тасдиқлаш ҳақидаги мурожаатидир.

Суд томонидан алоҳида тартибда иш юритишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, талабда ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмайди. Мазкур тоифа ишда қатнашувчи шахслар аризачилар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳисобланадилар.

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 293-МОДДАСИГА КЎРА АЛОҲИДА ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИДА КЎРИЛАДИГАН ИШЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:**

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги;
2) болани фарзандликка олиш (бундан буён матнда фарзандликка олиш деб юритилади) ҳақидаги;
3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;
4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги;
5) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
7) вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги;
8) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги;
9) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) тўғрисидаги;
10) йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган аризада агар мазкур ариза юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисида бўлса, муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек, аризачининг тегишли ҳужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.



## СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ

| СУД НОМИ | МАНЗИЛ |
|---|---|
| **Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди** | **Манзил:** Гулистон шаҳри, Islom Karimov кўчаси, 68 уй,<br>**Тел:** 55-651-35-35 (ички рақам: 20024),<br>**Почта индекси:** 120100,<br>**e-mail:** fib.sir@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди** | **Манзил:** Гулистон шаҳри, Islom Karimov кўчаси, 1 уй,<br>**Тел:** 55-651-35-52 ( ички рақам: 20177),<br>**Почта индекси:** 120100,<br>**e-mail:** fib.sir.gls@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро суди** | **Манзил:** Сирдарё шаҳри, Zavqbaxsh кўчаси,1 А уй,<br>**Тел:** 55-651-35-57 ( ички рақам: 20419),<br>**Почта индекси:** 120600,<br>**e-mail:** fib.sir.srt@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро суди** | **Манзил:** Сардоба шаҳарчаси, Гулистон кўчаси, рақамсиз уй,<br>**Тел:** 55-651-35-36 ( ички рақам: 20263),<br>**Почта индекси:** 120500,<br>**e-mail:** fib.sir.oqt@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро суди** | **Манзил:** Боёвут шаҳарчаси,Тинчлик кўчаси,26 уй,<br>**Тел:** 55-651-35-45 ( ички рақам: 20062),<br>**Почта индекси:** 120200,<br>**e-mail:** fib.sir.bvt@sud.uz |

| | |
|---|---|
| **Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди** | **Манзил:** Зангиота тумани, Қатартол қишлоғи, Учтепа МФЙ худуди,<br>**Тел:** 55-517-02-37 (ички рақам: 10627),<br>**Почта индекси:** 111800,<br>**e-mail:** f.zangiota@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди** | **Манзил:** Ўртачирчиқ тумани, "Қорасув" ҚФЙ, Темирчи кўчаси, 3 А уй,<br>**Тел:** 55-517-02-74 (ички рақам: 10806),<br>**Почта индекси:** 111507,<br>**e-mail:** f.urtachirchiq@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди** | **Манзил:** Оҳангарон шаҳар, Эзгулик кўчаси, 100-уй,<br>**Тел:** 55-517-02-73 (ички рақам: 10981),<br>**Почта индекси:** 110300,<br>**e-mail:** f.oxangaron@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро суди** | **Манзил:** Бекобод шаҳар, 12-даха, Туркистон МФЙ, Ғ.Ғулом кўчаси,<br>**Тел:** 55-517-02-33 (ички рақам: 10921),<br>**Почта индекси:** 110503,<br>**e-mail:** f.bekobod@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирчиқ туманлараро суди** | **Манзил:** Юқоричирчиқ тумани Чумчуқжар маҳалласи,<br>**Тел:** 55-517-02-32 (ички рақам: 10861),<br>**Почта индекси:** 111500,<br>**e-mail:** f.yuqorichirchiq@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Қуйичирчиқ туманлараро суди** | **Манзил:** Қуйичирчиқ тумани, Дўстлик-1 МФЙ,<br>**Тел:** 55-517-02-55 (ички рақам: 10682),<br>**Почта индекси:** 110910,<br>**e-mail:** f.quyichirchiq@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туман суди** | **Манзил:** Янгийўл шаҳар, Навруз МФЙ, Ш.Рашидов ва Самарқанд кўчалари муюлиши,<br>**Тел:** 55-517-02-75 (ички рақам: 11041),<br>**Почта индекси:** 112000,<br>**e-mail:** f.yangiyul@sud.uz |



## АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ФУҚАРОЛИК ИШИ ҚЎЗҒАТИШ

**Ариза бўйича суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар**

ФПКнинг 192-моддасига асосан судга **келиб тушган ариза асосида судья 10 кун ичида қуйидаги хужжатларни қабул қилади:**

- аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим
- аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим
- аризани қайтариш ҳақидаги ажрим

Ушбу ажримларнинг кўчирма нусхаси ариза ва унга илова қилинган хужжатлар билан бирга аризачига ажрим чиқарилгандан кейинги кундан кечиктирмай юборилади



## АРИЗАНИ ИШ ЮРИТИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ АСОСЛАРИ

**ФПКнинг 194-моддасига асосан суд аризани иш юритишга қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:**

1. Арз қилинаётган талаб фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлмаса;

2. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки маъмурий суднинг ёхуд чет давлат ваколатли судининг айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрими мавжуд бўлса;

3. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

4. Айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик судининг қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, бундан фуқаролик ишлар бўйича суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этган ҳоллар мустасно;

5. Айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим бўлса, бундан ҳакамлик судида ушбу низони кўриб чиқиш ваколати мавжуд эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тугатилганлиги ҳолати мустасно.

**Бунда судьянинг аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиши судга иккинчи марта мурожаат этишга тўсқинлик қилади.**

Агар талаб судга тааллуқли бўлмаса ва низони ҳал этиш бошқа давлат органининг ваколатига тааллуқли бўлса, ажримда судья аризачи қайси органга мурожаат қилиши лозимлигини кўрсатиши шарт.



| | |
|---|---|
| **Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди** | **Манзил:** Миробод тумани, Миробод кўчаси 19-уй,<br>**Тел:** (55) 501-11-02 (ички рақам: 02718)<br>**Почта индекси:** 100031,<br>**e-mail:** f.mirobod@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди** | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 42-а уй,<br>**Тел:** (55) 501-00-94 (ички рақам: 02935)<br>**Почта индекси:** 100126,<br>**e-mail:** f.uchtepa@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди** | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 7 уй,<br>**Тел:** (55) 501-10-30 (ички рақам: 02816)<br>**Почта индекси:** 100011,<br>**e-mail:** f.shayxontoxur@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди** | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчаси, рақамсиз уй,<br>**Тел:** (55) 501-09-03 (ички рақам: 02914)<br>**Почта индекси:** 100085,<br>**e-mail:** f.yakkasaroy@sud.uz |

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ

| СУД НОМИ | МАНЗИЛ |
|---|---|
| **Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати** | **Манзил:** Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 93 уй,<br>**Тел:** 55-510-74-74 (ички рақам: 10043)<br>**Почта индекси:** 100091<br>**e-mail:** j.toshkent.v@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди** | **Манзил:** Чирчиқ шаҳри, Истиқбол кўчаси, 8 уй,<br>**Тел:** 55-517-02-71 (ички рақам: 10777),<br>**Почта индекси:** 111700,<br>**e-mail:** f.chirchiq@sud.uz |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Олий суди | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй, тел.: (71) 239-97-37, 239-02-13, почта индекси 100186, e-mail: info@supcourt.uz |

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ

| СУД НОМИ | МАНЗИЛ |
|---|---|
| **Тошкент шаҳар умумюрисдикция суди (фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати)** | **Манзил:** Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йули кўчаси, 246 уй,<br>**Тел:** (55) 501-00-23 (ички рақам: 02629)<br>**Почта индекси:** 100187,<br>**e-mail:** f.toshkent@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди** | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 57/10 уй,<br>**Тел:** (55) 501-11-03 (ички рақам: 02673)<br>**Почта индекси:** 100202,<br>**e-mail:** f.m-ulugbek@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди** | **Манзил:** Миробод тумани, Миробод кўчаси 19-уй,<br>**Тел:** (55) 501-11-02 (ички рақам: 02718)<br>**Почта индекси:** 100031,<br>**e-mail:** f.mirobod@sud.uz |
| **Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро суди** | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 7 уй,<br>**Тел:** (55) 501-10-30 (ички рақам: 02816)<br>**Почта индекси:** 100011,<br>**e-mail:** f.shayxontoxur@sud.uz |



## АРИЗАНИ ҚАЙТАРИШ АСОСЛАРИ

1. **ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;**
2. **манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;**
3. **иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса;**
4. **ариза ФПКнинг <u>189-моддасида</u> белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда берилган бўлса;**
5. **битта аризада бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса, башарти бу талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса;**
6. **иш юритишга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар аризачидан аризани қайтариш ҳақида ариза келиб тушган бўлса;**
7. **давлат божи ва почта харажатлари белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёки илтимоснома рад этилган бўлса;**
8. **мол-мулкни (ашёни. эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки қонунда назарда тутилган мол-мулкни (ашёни. аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби бузиб берилган бўлса;**
9. **даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса.**

**Аризани қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда, ариза судга дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади.**

Аризанинг қайтарилиши йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин судга умумий тартибда такроран мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

# СУД ҲУЖЖАТИНИНГ ҚОНУНИЙ, АСОСЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЭКАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

***Суд ҳужжатининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш мақсадида фуқаролик ишини апелляция, кассация ва тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш суд процесси иштирокчиларининг суд ҳужжати устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи ҳуқуқий институтнинг муҳим қисми ҳисобланади.***

**Апеляция инстацияси –** бу қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларининг қонунийлигини ҳар томонлама текшириш бўйича фаолиятдир. Апеляция шикояти суд ҳужжатлари қабул қилингандан сўнг **1 ой ичида** берилиши мумкин.

**Кассация инстацияси –** бу қонуний кучга кирган суд ҳужжатларининг қонунийлигини ҳар томонлама текшириш бўйича фаолиятдир. Апеляция шикояти суд ҳужжатлари қонуний кучга кирган кундан бошлаб **6 ой ичида** берилиши мумкин.

**Тафтиш инстацияси –** бу қонуний кучга кирган суд ҳужжатларининг қонунийлигини ҳар томонлама текшириш бўйича фаолиятдир. Тафтиш тартибидаги шикояти суд ҳужжатилари қонуний кучга киргандан бошлаб **1 йил ичида** берилиши мумкин.



## Тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш тартиби ва муддати

**Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида тафтиш тартибида кўрилиши лозим бўлган шикоят (протест) мазкур судлар номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади**

**Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади**

**Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан ажрим чиқарилгунига қадар ўтган тақдирда, шикоят (протест) кассация инстанцияси суди томонидан ажрим қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин**

**Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда шикоятни (протестни) ишни тафтиш тартибида кўрадиган судга иш билан бирга юбориши шарт**

## Тафтиш тартибида шикоятларни (протестларни) кўрадиган судлар (ФПК 419[5]-м)

**Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан берилган**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — ҳудудий ҳарбий судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан берилган**

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати: Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибида кўрилган тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилган**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятларни (протестларни) кўриб чиқади**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан келтирилган протести Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан кўрилади.



## СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИЛИШИ

**Суд ҳужжатлари устидан норози бўлиб апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.**



**Тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар,** шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

**Прокурор, юқори турувчи прокурор** прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли

## Апелляция шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1 • шикоят (протест) йўлланаётган суднинг номи;

2 • шикоят (протест) бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);

3 • ишнинг рақами, шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва ушбу суд ҳужжатларини чиқарган суд;

4 • ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;

5 • шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси;

6 • шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Апелляция шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Апелляция протестини прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди.

Апелляция шикоятида (протестида) шикоятни (протестни) берган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.






## СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА КЎРИЛИШИ

**Биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажрими устидан қуйидагилар томонидан тафтиш тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин:**

- ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
- прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари



## Кассация шикоятларини (протестларини) кўриб чиқадиган судлар

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — худудий ҳарбий судларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўриб чиқади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 405-моддасига кўра, Кассация шикояти (протести) кассатсия инстанцияси судининг номига йўлланади, лекин ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни қабул қилган судга берилади.

Суд ҳужжатини қабул қилган суд кассатсия шикояти (протести) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни кассатсия инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.



## Апелляция шикоятларини (протестларини) кўриб чиқадиган судлар

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — худудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўриб чиқади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 385-моддасига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, лекин ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни чиқарган судга берилади.

**Апелляция инстанцияси** суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) иш судга келиб тушган кундан эътиборан **1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.**

Алоҳида ҳолларда, апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов ҳайъати томонидан кўпи билан **1 ойга узайтирилиши мумкин.**

# СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИЛИШИ

**Суд қарорларига нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш ва шикоятни судда кўриш тартиби**

Фуқаролик процессуал кодексининг 403-моддасига кўра, Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно, суднинг қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан кассация шикояти бериши мумкин.

Прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳужжати устидан кассация протести келтиришга ҳақли.





## Кассация шикояти (протест) бериш тартиби ва муддати

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан **олти ой** ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ўтказиб юборилган кассация шикояти (протести) бериш муддати шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимосномасига кўра кассация инстанция судининг судьяси томонидан, агар илтимосинома кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан **уч ойдан** кечиктирмай берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилса, тикланиши мумкин.

**Кассация шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**

1. шикоят (протест) йўлланаётган кассация инстанцияси судининг номи;
2. шикоят (протест) бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
3. ишнинг рақами, шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва ушбу суд ҳужжатини чиқарган суд;
4. ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
5. шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси;
6. шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Кассация шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди.

Кассация протести протест келтирган прокурор томонидан имзоланган бўлиши керак;

Кассация шикоятида (протестида) шикоятни (протестни) берган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.